«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
89-сонли БАЁНИдан
КЎЧИРМА

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 4 уйда ўзи келган ҳолда ёки видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

Йиғилиш ўтказилган сана:	2025 йил 20 июнь
Рўйхатга олиш бошланган вақт:	соат 14:45
Рўйхатга олиш тугаган вақт:	соат 14:55
Йиғилиш ёпилган вақт:	соат 15:50
Баён тузилган сана:	2025 йил 30 июнь

ЎзРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та.
Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	- 536200
«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки	- 119000
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	- 119000
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	- 95200
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	- 95200
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки	- 61600
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки	- 43400

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб, бу жами овозлар сонининг 100 фоизини ташкил этади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлар йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. ЎзРВБ санок комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

3. "Ўзбекистон республика валюта биржаси" АЖ Кузатув кенгашининг **2024 йилдаги** фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботини эшитиш.

4. "ЎзРВБ" АЖ томонидан хайрия (хомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегарасини белгилаш.

5. ЎзРВБ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

6. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш.

7. ЎзРВБнинг **2024 йил** учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

8. ЎзРВБнинг **2024 йил** якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.

9. ЎзРВБда **2025 йил** учун мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини аниқлаш ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

10. "ЎзРВБ" АЖ янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

11. "ЎзРВБ" АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳририни тасдиқлаш.

ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида ЎзРВБ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг қуйидаги қарори қабул қилинди:

1. ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўзи келган ҳолда ёки "ЎзРВБ" АЖ акциядорларининг умумий йиғилишларида ва кузатув кенгаши йиғилишларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш тўғрисида"ги регламентга мувофиқ видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилсин ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини олиб бориш, масалаларни кўриб чиқиш тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

- маърузачиларга асосий масалалар бўйича чиқиш учун ажратилган вақт – 10 дақиқагача;
- қўшимча фикр билдиришлар ва тортишувлар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача;
- савол ва жавоблар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, каршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. ЎзРВБ санок комиссияси 3 кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин:
Джураев О.Х. - Бош директор ижро офиси раҳбари
Худойбердиев Ж.Б. - Бошкарма бошлиғи
Умурзаков О.Э. - Бош юрисконсульт

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, каршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. "Ўзбекистон республика валюта биржаси" АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йилдаги фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботи тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, каршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

4.1. "ЎзРВБ" АЖ томонидан хайрия (хомийлик) ва бошка холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегараси ЎзРВБ ўтган йил учун олинган соф фойдасининг 3 фоизи миқдорида белгилансин.

4.2. Кузатув кенгашига хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш хамда бу борада қарор кабул килиш ҳуқуки фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган доирада, барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда берилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, каршилар – йўк, бетарафлар – йўк.

5. ЎзРВБнинг **2024 йилдаги** корпоратив бошкарув тизимини баҳолаш натижалари тўғрисидаги хулосаси маълумот ва ишда фойдаланиш учун учун қабул қилинсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, каршилар – йўк, бетарафлар – йўк.

6. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари "Кумулятив овоз бериш бюллетени" бўйича овоз бериш натижаларига кўра уч йил муддатга қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Адилов Алимардон Абдуразакович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Монетар операциялар департаменти директори

Овозлар сони: Ёклайман – 1 069 600 та овоз.

2. Рузиев Фаррух Аралович - ЎзР АТ "Халқ банки" Бошқарув Раиси ўринбосари

Овозлар сони: Ёклайман – 1 069 600 та овоз.

3. Якубов Шухрат Исраилович - "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки Бошқарув Раиси ўринбосари

Овозлар сони: Ёклайман – 1 069 600 та овоз.

4. Насриев Фарход Бадриддинович - АТБ "Агробанк" Бошқарув Раиси ўринбосари в.б.

Овозлар сони: Ёклайман – 1 069 600 та овоз.

5. Миртурсунов Даврон Шавкатович - "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки Бошқарув Раиси ўринбосари

Овозлар сони: Ёклайман 1 069 600 та овоз.

6. Джунайдуллаев Тохир Фахриддинович - "Ориент Финанс" хусусий акциядорлик тижорат банки Бошқарув Раиси

Овозлар сони: Ёклайман – 1 069 600 та овоз.

7. ЎзРВБнинг **2024 йил** учун йиллик хисоботи тасдиқлансин.

Тарафлорлар – 1 069 600 та овоз, каршилар – йўк, бетарафлар – йўк.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сон "Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги карори 2-бандига мувофиқ **2028 йил 31 декабрга** қадар ЎзРВБ маблағларни мақсадли равишда уни ривожлантиришга йўналтирган ҳолда **дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашдан озод қилинсин.**

ЎзРВБнинг **2024 йил** якунларига кўра **62 756 967 451,90** сўм соф фойдаси ЎзРВБни ривожлантиришга йўналтириш мақсадида ЎзРВБ тасарруфи (ихтиёри)да қолдирилсин.

Бунда, мазкур пул маблағлари ҳисобидан ЎзРВБ устав фондини ошириш (кўпайтириш)да фойдаланиш мумкинлиги инобатга олинсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

9. ЎзРВБ молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича тузилган **2025 йил** учун молиявий ҳисоботларини аудиторлик фаолияти стандартлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш, шунингдек СМК, СЙКнинг ҳисобланган миқдорларини текшириш учун **"TTT-AUDIT" МЧЖ** Аудиторлик ташкилоти белгилансин ва у билан тегишли шартнома тузилсин ҳамда аудиторлик хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегараси **60 млн. сўм (ҚҚС билан)** этиб белгилансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

10. ""ЎзРВБ" АЖ янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

11. "ЎзРВБ" АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси:	**имзо**	**А. Олимов**
Йиғилиш котиби:	**имзо**	**Б.Т. Салойдинов**
Бош директор:	**имзо**	**Р.Р. Усманов**

Аслига мувофиқ тўғри: **Р.Р. Усманов**